

## Сийрат дарслари (86-дарс). Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир



13:00 / 22.05.2020 4873

364. Зайд ибн Собит розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам масжидда бўйрадан қапа тутдилар. Сўнг Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам унда бир неча кеча намоз ўқидилар. Одамлар у зотнинг ортларида жамланишди. Сўнгра бир кеча овозлари чиқмай қолди. Шунда «ухлаб қолдилар» деган гумон қилишди. Ва баъзилари «чиқсинлар» деб томоқ қира бошлашди. Шунда у зот: **«Сизларнинг қилганларингизни кўриб, зиммангизга ёзилиб қолмасин деб кўрқдим. Агар у зиммангизга ёзилиб қолса, уни бажара олмасдингиз. Ҳой одамлар, уйингизда намоз ўқинглар. Фарз**

**намоздан бошқа намозни киши уйида ўқигани афзал», дедилар».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

365. Жобир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирингиз масжиддаги намозни тугатса, уйи учун ҳам ўз намозидан насиба қолдирсин, чунки унинг ушбу намози сабабли Аллоҳ уйига яхшилик ёғдиради», дедилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

366. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир», дедилар».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**